

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-сентябрда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 4401,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизни, шу жумладан, Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 4390,8 млрд. сўмни (100,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларидан 3,9 млрд. сўмни (112,5 фоиз), Балиқчилик хўжаликларидан 6,3 млрд. сўмни (110,7 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2017 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1133 минг тонна сабзавот (101,4 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,4 фоизга (жами 1026 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,0 фоизга (337 минг бош), қўй ва эчкилар 104,7 фоизга (1401,8 минг бош), отлар 100,1 фоизни (6450 бош), паррандалар 102,6 фоизга (6716,4 минг. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сүт, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,4 фоизни, сүт ишлаб чиқаришда 99,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 91,6 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	1026,0	104,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	39,5	100,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	979,3	104,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,2	96,0
улардан сигирлар	337,0	100,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	14,7	100,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	320,0	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,3	82,1
Қўй ва эчкилар	1402	104,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	50,8	102,4
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1345,9	104,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,1	94,4
Отлар	6450	100,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	911,0	100,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий	5435	100,1

	минг бош	ўсиш суръати, %
ёрдамчи) хўжаликлари		
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	104,0	100,0
Паррандалар	6716,0	102,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	725,4	102,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5235	102,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	756	102,7

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,4 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,9 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,0 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар 96,0 ва 3,6 фоизни, отлар 84,3 ва 14,1 фоизни, паррандалар 77,9 ва 10,8 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-сентябрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 103,8 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 105,3 фоизга кўп), 564,5 минг тонна сут (104,4 фоизга кўп), 333,4 млн. дона тухум ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	103,8	105,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	3,0	111,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	99,2	105,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,6	101,8

	миқдори	ўсиш суръати, %
--	---------	--------------------

Сут, минг тн. 564,5 104,4

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари 183,4 103,8

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари 542,5 104,5

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар 3,6 101,0

Тухум, млн. дона 333,4 109,8

шу жумладан:

Фермер хўжаликлари 40,2 103,1

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари 265,2 108,0

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар 28,0 147,8


Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

Гўшт
(тирик вазинда)

Сут

Тухум



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-сентябрда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1193,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 96,1 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 27,1 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 39,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14,7 минг бош сигир, 49,6 минг бош қўй ва эчкилар, 911 бош от, 725,4 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-сентябрь				2016 январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	212131	19,0	213256	18,8	100,5
Мева ва резаворлар	95497	25,4	96543	25,3	101,1
Гўшт, тирик вазнда	2695	2,7	3016	2,9	111,9
Сут	17673	3,3	18342	3,2	103,8
Тухум, минг дона	38965	12,8	40174	12,1	103,1